Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2011 йил
29 июнь
ЧОРШАНБА

№ 51
(12.375)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

Вилоят ҳаёти

ОҚҚЎРҒОН ТУМАНИ

МАЙДОНДА ҚИЗЛАР

Туман марказидаги ўйингоҳда туман Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ташаббуси билан мактаб ёшидаги қизлар ўртасида футбол мусобақаси ўтказилди.

Унда Дилмурод Холмуродов мураббийлик қилаётган 23-мактаб ўқувчи-қизлари ғолибликни қўлга киритишди. Уларга Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва БЎСМнинг эсдалик совғалари топширилди.

БЕКОБОД ШАҲРИ

СОВРИН ШАҲАРДА ҚОЛДИ

"Металлург" ўйингоҳида 1996-1997 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида эркин кураш бўйича ҳоким соврини учун мусобақа ўтказилди.

9 шаҳардан 200 ўсмир иштирок этган курашда умумжамоа ҳисобида 1-ўринни Бекобод шаҳри, 2-ўринни Тошкент шаҳри, 3-ўринни Андижон шаҳри полвонлари эгаллашди.

Мусобақа сўнгида ғолиб ва совриндорлар шаҳар ҳокимлиги томонидан тақдирланди.

ЧИНОЗ ТУМАНИ

МАКТАБГА ЯНГИ КОМПЬЮТЕРЛАР

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида туман мактаблари замонавий ўқув қуроллари билан таъминланмоқда.

Яқинда 44-умумий таълим мактабига Кореяда ишлаб чиқарилган 15 дона "LCD" русумли компьютерлар туркуми келтирилди. Улар Халқ таълими вазирлигининг таъминот марказидан олинди.

– Энди мактаб ўқувчиларига информатика фани асосларини ушбу замонавий технологиялар негизида мукаммал ўргатишимиз мумкин, – дейди мактаб информатика фани ўқитувчиси Динора Мамадалиева.

ОҲАНГАРОН ТУМАНИ

ЭНДИ ЙЎЛЛАР РАВОН

Туман "Йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш" давлат корхонаси 201 километр маҳаллий, 36 километр халқаро ва 56 километр давлат йўлларига хизмат кўрсатади.

Корхонада йўлсозликка мўлжалланган автогрейдер, каток, 16 тонна юк кўтарадиган "МАЗ-Ивановец" автокрани, "ТТЗ-80" трактори ва 5 та "МАЗ" автосамосвали мавжуд. Йилнинг ўтган даврида Ангрен шаҳар айланма йўли, Олмалиққа элтувчи йўл шахобчаси, "Янгиобод" сайёҳлар маскани йўли таъмирланди.

ҚУЙИ ЧИРЧИҚ ТУМАНИ

САХОВАТ

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши 36-мактаб қошида очилган "Лола" оромгоҳида дам олаётган болажонлар учун 1 миллион 271 минг сўмлик совға топширди.

Жумладан, унда спорт анжомлари, сунъий ҳавза, шахмат-шашка, футбол ва волейбол тўплари, бадиий адабиётлар, ўқув қуроллари ва ҳар хил ўйинчоқлар ҳадя этилди.

Шохруҳ ҲАКИМОВ.

АСАЛИ ТОТЛИ, ШИФОБАХШ

Асал – минг бир дардга даво. Унинг сифати ва шифобахшлиги эса асалари қайси ўсимликдан бол йиққанига қараб аниқланади.

Келес шаҳарчасида истиқомат қилувчи Йўлдош ота Усмонбеков кўп йиллардан бери асаларичилик билан шуғулланиб, халқ табобати сирларини ўрганган ҳолда, инсонлар дардини даволовчи шифобахш асаллар етказиб бераяпти. Унинг бу йўлдаги изланишларига Россия Халқ табобати академиясида юқори баҳо берилган.

Албатта, бу даражага етиш учун тинимсиз меҳнат қилиш, изланиш керак. Йўлдош ота эрта кўклам тоғларга чиқиб, июль ойларида қайтиб келади. У битта уядан 10 килограммгача асал олади. Тоғларда турли шифобахш ўсимликлардан шира йиғади. У тайёрлаётган асалларни ўпка, буйрак, жигар, юрак-қон-томир, ошқозон-ичак, марказий асаб тизими, кўз, тери касалликларини ва турли-туман яраларни даволашда кенг қўллаш мумкин. Шунингдек, сурункали бронхит, ларингит, ренит, ўпка касалликларига 5-10 фоизли асал эритмаси даво бўлади.

Яхши инсонлар халқ фаровонлиги ва юрт тинчлигига ҳисса қўшиш нияти билан яшайди. Йўлдош ота ҳам инсонлар соғлигини яхшилаш учун туну кун меҳнатда.

Зулфия ҲУСАНОВА.

СУРАТДА: Йўлдош ота Усмонбеков.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

ИСТЕЪДОД ВА МАҲОРАТ КЎРИГИ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий маънавиятимизнинг ажралмас қисми бўлган мусиқа санъатини янада равнақ топтириш, унинг қадимий анъаналарини тиклаш ва асрабавайлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, Ўзбекистон давлат консерваторияси ва "Terra Group" масъулияти чекланган жамияти ҳамкорлигида ўтказилаётган "Марди майдон!" жонли ижродаги қўшиқлар фестивалида бу жиҳатлар яна бир карра ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида 25 июнь куни мазкур фестивалнинг навбатдаги босқичи бўлиб ўтди. Шу муносабат билан муҳташам саройга мусиқа ихлосмандлари, санъатшунослар, хонанда ва созандалар таклиф этилди.

"Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси бош директори Азамат Ҳайдаров ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқимиз, айниқса, ёш авлод маънавиятини юксалтириш, уларни Ватанга муҳаббат, бой анъана ва қадриятларимизга ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялашнинг замонавий тизими яратилганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 6 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда "Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!" шиори остида туркум маънавий-маърифий, бадиий-мусиқий тадбирларни ўтказмоқда.

Энг улуғ, азиз айёмимиз арафасида ўтказилаётган "Марди майдон!" жонли ижродаги қўшиқлар фестивалидан кўзланган асосий мақсад ҳам юксак бадиий савиядаги мусиқий асарлар яратилишини қўллаб-қувватлаш, қўшиқчиларнинг ижодий салоҳияти ва имкониятларини кенг намойиш этиш, мусиқий асарларнинг жонли тарзда ижро этилишини фаол рағбатлантиришдан иборатдир. Айни пайтда ушбу фестиваль жонажон Ватанимиз, истиқлолимиз, тинч ва осойишта, ёруғ ва фаровон кунларимизни тараннум этувчи янгиданянги қўшиқлар яратиш, бастакор, шоир ва ижрочилар ўртасидаги ижодий ҳамкорликнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Икки ойда бир марта ўтказилаётган ушбу ижодий беллашувда 17 ёшдан 30 ёшгача бўлган профессионал ва ҳаваскор санъаткорлар иштирок этмоқда. Унинг асосий шарти – эстрада, анъанавий ижрочилик ва академик хонандалик йўналишлари бўйича қўшиқларни фақат жонли ижрода куйлашдан иборат. Фестиваль совриндорлари маҳорат ва услуб, овоз имкониятлари, тақдим этилган мусиқий асар матнининг пухталиги ва таъсирчанлиги, бадиий образларга бойлиги каби мезонлар воситасида аниқланади.

– Юртимизда миллий мусиқа санъатини равнақ топтириш борасидаги эзгу ишларда санъаткорларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди фестиваль иштирокчиси, "Ниҳол" мукофоти совриндори Зиёда Қобилова. – "Марди майдон!" жонли ижродаги қўшиқлар фестивали ўз ижодимизга янгича ёндашиш, уни янада юқори талаблар асосида йўлга қўйиш имконини бераётир.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

■ БАНДЛИК

ЁШЛАР УЧУН МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Мамлакатимизда аҳолининг бандлик даражасини ошириш, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларни иш билан таъминлаш, уларни тадбиркорликка кенг жалб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу йўналишда қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, жойларда бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказилмоқда.

Чирчиқ шаҳар бандликка кўмаклашиш маркази томонидан ҳам аҳолини иш билан таъминлаш ҳамда ижтимоий муҳофаза қилиш борасида бир қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, шаҳардаги Офицерлар уйида ташкил этилган бўш иш ўринлари ярмаркасида касб-ҳунар коллежларини битирган ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ёшларнинг ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлашиши учун қулай имконият яратилди.

Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги, "Маҳалла" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлимлари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур ярмаркада 46 корхона ва ташкилот 500 дан зиёд бўш иш ўринлари билан қатнашди.

Меҳнат ярмаркасида иштирок этган юз нафардан ортиқ ёшлар ва коллеж битирувчилари турли корхона ва ташкилотларда ишлаш учун йўлланма олди.

Шаҳар бандликка кўмаклашиш марказидан олинган маълумотга кўра, жорий йилнинг шу даврига қадар ўтказилган меҳнат ярмаркаларида 300 нафарга яқин фуқаро иш билан таъминланган.

– Бундай меҳнат ярмаркалари шаҳримиз аҳолиси ва ёшларининг ҳудудимиздаги бўш иш ўринлари ҳақида батафсил маълумот олиши учун кенг имконият яратмоқда, – дейди чирчиқлик А. Ҳусанов. – Мен меҳнат ярмаркасида "Дайшн Мегатекс" қўшма корхонасига ишга жойлашиш учун йўлланма олдим.

Л. СУВОНОВ, ЎзА мухбири.

■ ҲУДУДИЙ СЕМИНАР

ЮТУҚЛАР ОММАЛАШТИРИЛИБ, КАМЧИЛИКЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ

Қишлоқ хўжалик тармоқларини модернизация қилиш, экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бугун мамлакатимизда алоҳида эътибор қаратилаётган устувор вазифалардан биридир. Айниқса, кейинги йилларда яққолроқ сезилаётган сув танқислиги шароитида зудлик билан ташкилий-амалий чора-тадбирлар кўриш заруратини вазиятнинг ўзи тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сенаторлари ҳамда Қонунчилик палатаси депутатлари иштирокида ташкил этилган ҳудудий семинар ҳам айнан қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадларига қаратилди. Семинар иштирокчилари яқинда Сирдарё вилоятининг Сирдарё, Сайхунобод туманлари ва Гулистон шаҳри, Тошкент вилоятининг Янгийўл ва Зангиота туманларидаги бир қатор мустақиллик объектлари, корхона ва фермер хўжаликларида бўлишиб, улар фаолияти билан атрофлича танишдилар.

(Давоми 2-бетда).

БАРҲАЁТ НАВОЛАР

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, республика Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-услубий ҳамда ахборот маркази ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилаётган "Барҳаёт наволар" республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Ўрта Чирчиқ туманидаги саноат ва сервис касб-ҳунар коллежида ҳудудий танлов ғолиблари ўз санъатларини намойиш этдилар. Коллеж залига йиғилган томошабинлар халқимизнинг миллий карнай-сурнай, қўшнай, буламон, чанқовуз, сибизға ва бошқа қадимий чолғуларида ижро этилган куйларни мириқиб тингладилар.

Ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра, "Курбон қайтарма" куйини қўшнайда маромига етказиб ижро этган қибрайлик Дилшод Умарҳўжаев, оҳангаронлик чанқовузчи Бувойша Алматова, зангиоталик моҳир сурнайчи Зокирхон Қобилов танлов ғолиби деб топилдилар. Улар энди пойтахтда бўлиб ўтадиган республика танловида вилоятимиз номидан иштирок этадилар.

Бахши-шоирларнинг анъанавий республика фестивали вилоят босқичи ҳам жуда қизиқарли ўтди. Якуний натижаларга кўра, Қуйи Чирчиқ туман вакили Умрзоқ Сариев, қибрайлик Қулмахон ҳамда Ўрта чирчиқлик Алихон Ориповлар танловнинг вилоят босқичи ғолиби бўлдилар.

Маъмуржон БОЗОРАЛИЕВ.

Чирчиқ шаҳридаги 3-поликлиникада тиббий ходимлар ўртасида армрестлинг бўйича мусобақа уюштирилди.

ТИББИЙ ХОДИМЛАР БЕЛЛАШУВИ

26 шифокор ва ҳамширалар 2 вазн тоифасига ажратилди. 1-тоифага 60 килограммгача, 2-тоифага 60 килограммдан ортиқ вазнлилар киритилди.

Якуний натижаларга кўра, 1-тоифага кирганлар ўртасида 1-ўринни Г. Омонова, 2-ўринни Г. Утешова эгаллади. 2-тоифага мансуб аёллардан 1-ўрин Н. Маликовага, 2-ўрин Н. Бойжоновага насиб этди.

Мусобақа сўнгида ғолиблар фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Феруза ХАЙРУЛЛАЕВА.

БУГУННИНГ ГАПИ

ХИРМОННИНГ ЧЎҒИ БАЛАНД

Юқори Чирчиқ – вилоятнинг шимолий туманларидан. Шу боис табиийки, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосили, хусусан пахта ва ғалла ҳам жанубий минтақалардагига нисбатан икки ҳафтанинг нари-берисида кеч пишиб етилади.

Аксарият туманларда ғалла ўрим-йиғими якуний босқичга ўтган ҳозирги кунда Юқори Чирчиқда авж паллага кирди. Жумладан, "Азиз мақсад" фермер хўжалиги ғаллазорларида дон комбайнлари юқори унум билан ишлаяпти. Фермер хўжалиги раҳбари Бахтиёр Ўринбоев кундалик ўрим натижаларини ҳисоб-китоб қилиб, таҳлил этаяпти. Ҳосилдорлик ҳозирча 55 центнерданга тўғри келаяпти.

– Ҳосилдорлик бунданда юқори бўлиши керак эди, – дейди фермер. – Аммо, ғалла парвариши мавсумида ёғингарчилик меъёрдагидан анча кам бўлгани ҳосил чўғига таъсир қилди. Шуни ҳисобга олиб, ғаллага қўшимча ўғит бериш ва қондириб суғоришга ҳаракат қилдик. Айниқса, маҳаллий ўғитни иложи борича кўпроқ бериб, ерда намнинг узоқроқ сақланишига эришдик. Энди ўримни бутун чоралар билан тезлаштираяпмиз. Чунки, буғдой обдон пишиб етилди, ҳар бир соат ғанимат, бошоқлар чатнаб, доннинг бир қисми тўкилиб-сочилиб, нобуд бўлишига йўл қўймаслигимиз керак.

СУРАТДА: (чапдан) туман фермер хўжаликлари уюшмаси раиси Алимардон Усмонов, Суранкент қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Динислом Қунаев, оператор Алишер Алтаев.

Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШ ОЙЛИГИ

ГИЁҲВАНД МОДДАЛАР ЙЎҚ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистонда 1994 йилдан буён 47 тонна 546 килограмм наркотик моддалар йўқ қилинди

Пойтахтимизнинг Сергели туманидаги заводлардан бирида бўлиб ўтган матбуот анжуманида ана шундай маълумотлар келтирилди. Бу ерда мамлакатимиз ҳукуматининг топшириғига биноан Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати томонидан бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда наркобизнесга қарши кураш давомида мусодара қилинган гиёҳванд моддаларнинг навбатдаги туркуми йўқ қилинди. Тадбир 26 июнь куни нишонланадиган Халқаро наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш кунига бағишланди.

Мазкур тадбирда БМТнинг Марказий Осиёда Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг минтақавий ваколатхонаси, давлат ва жамоат ташкилотлари, мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

ИдороларарО комиссия аъзолари иштирокида домна печларида 675 килограмм наркотик воситалар, шу жумладан, 166,3 килограмм героин, 348 килограмм опий, 102 килограмм марихуана, 52 килограмм наша, 6,7 килограмм кўкнори, шунингдек, 1880 туп наша ўсимлиги, 249 минг таблетка ва эритмалар шаклидаги психотроп препаратлар ёқиб юборилди.

Ўзбекистон Республикаси наркотикларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича халқаро ҳамжамият олдидаги ўз мажбуриятларини бажаришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Мамлакатимиз БМТнинг наркотик воситалар, психотроп моддалар ҳамда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш тўғрисидаги конвенцияларига қўшилган. 1999 йилда Ўзбекистон Республикасининг "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида"ги қонуни қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази бўлими бошлиғи А. Эркабоевнинг айтишича, мамлакатимизда қўлланиладиган амалиётга мувофиқ, судларда ашёвий далил сифатида кўрсатилган наркотик воситалар ҳукм кучга киргач, Наркотикларни назорат қилиш бўйича давлат комиссияси аъзолари томонидан барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органлари вакиллари иштирокида махсус ажратилган печларда ёқиб юборилади. Бундай моддаларнинг йирик туркумлари БМТ, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида йўқ қилинади.

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан трансмиллий наркогуруҳларнинг қонунга зид фаолиятини аниқлаш ва уларга чек қўйиш, контрабанда каналларини ёпиш, гиёҳвандлик экинларини йўқ қилиш ва гиёҳвандлик ёйилишининг олдини олиш бўйича махсус комплекс операциялар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази маълумотларига қараганда, 2010 йилда гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ жиноятлар сони сезиларли даражада камайган.

БМТнинг Марказий Осиёда Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг минтақавий ваколатхонаси маълумотларига кўра, Афғонистонда нафақат катта миқдорда героин, балки наша ҳам етиштирилмоқда. 2010 йилда Ўзбекистонда мусодара қилинган наша миқдори 92 фоизга ўсди. Ўтган йилнинг 1 январида Тошкент вилоятида Ўзбекистон фуқаролари К. Парпиев, Ю. Аширқулов ва Тожикистон Республикаси фуқароси Ш. Ўсаров қўлга олинди. Улардан 26 килограмм наша ва 4 килограмм 853 грамм героин олиб қўйилди.

Афғонистонда ишлаб чиқарилган опий ва героин Ўзбекистон ҳудудига, асосан, Тожикистон, Қирғизистон ва бевосита Афғонистондан кириб келмоқда. 2010 йилда наркотиклар билан боғлиқ жиноятлари учун жами 115 нафар чет эл фуқароси қўлга олинди. 314 килограммдан ортиқ наркотик воситалар мусодара қилинди.

Наркотик моддаларни ташувчилар ушбу "захри қотил"ни мева-сабзавотлар ичида, автотранспорт воситаларидаги хуфия жойларда, қўл юклари, маиший буюмлар, кийим-кечаклар орасида, инсон танаси, ҳатто, ички аъзоларига яширган ҳолда олиб ўтишга уринмоқда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегаларини ҳимоя қилувчи қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси томонидан наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларни ноқонуний олиб ўтиш билан боғлиқ ўнлаб жиноятлар ҳамда фактлар аниқланди.

"Қорадори – 2010" операцияси давомида умумий майдони 3,68 гектар ерга таркибида наркотик моддалар мавжуд ўсимликлар экилгани ҳақида 1336 ҳолат аниқланди. 4,44 гектар майдондаги ёввойи наша ўсимлиги йўқ қилинди.

БМТ, ЕХҲТ, ЕИ, ШҲТ халқаро лойиҳаларининг амалга оширилишини мувофиқлаштириш, мониторинг қилиш ва таъминлашга доир ишлар олиб борилмоқда. БМТнинг Марказий Осиёда Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг минтақавий вакили вазифасини бажарувчи О. Зудованинг айтишича, Ўзбекистон ҳукумат тузилмалари билан бу борада ахборот алмашинуви йўлга қўйилган, Термиз шаҳридаги дарё портини мустаҳкамлаш ва жиҳозлаш бўйича улкан ишлар бажарилган.

Ўзбекистонда гиёҳвандликка қарши кураш ойлиги давом этмоқда. Бу борада белгиланган режага мувофиқ мамлакатимизнинг барча ҳудудларида профилактика ишлари амалга оширилмоқда. Бу ишларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази ва унинг ҳудудий комиссиялари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, давлат ва жамоат ташкилотлари, маданият, тиббиёт, спорт муассасалари, хайрия жамғармалари, БМТнинг Марказий Осиёда Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг минтақавий ваколатхонаси ҳамда оммавий ахборот воситалари жалб қилинган. Ойлик наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш бўйича 2011-2015 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастури доирасида ўтказилмоқда.

Мазкур ойлик давомида, биринчи навбатда, наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган кенг кўламли тушунтириш ишлари амалга оширилмоқда. Тошкент шаҳри, вилоятлар марказлари, йирик шаҳарларда таниқли санъаткорлар, спортчилар, жамоат арбоблари иштирокида хайрия концертлари ўтказилмоқда. Ёшлар учун гиёҳванд моддаларни суиистеъмол қилишнинг ҳалокатли оқибатларига бағишланган туркум радиоэшиттиришлар ва телекўрсатувлар эфирга узатилмоқда, газета ва журналларда мақолалар чоп этилмоқда. Кинотеатрларда гиёҳвандлик иллатининг зарари ҳақида ҳикоя қилувчи бадиий ва ҳужжатли фильмлар, махсус роликлар намойиш этилмоқда.

Бундан ташқари, меҳнат жамоалари, ўқув муассасалари, маҳаллалар, болалар ёзги оромгоҳлари, клубларда профилактика суҳбатлари, саволжавоб кечалари ўтказилмоқда. Шаҳар ва туманлар марказларида ушбу "захри қотил"га қарши курашга чорловчи баннерлар, плакатлар ва бошқа кўргазмали воситалар ўрнатилган.

Наркология даволаш муассасалари ва тиббий-ижтимоий реабилитация бўлимларини ташкил этиш, модернизация қилиш ва замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлашга доир ишлар давом этмоқда. Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг наркология кафедрасида 86 нафар мутахассис ўқитилди. Мамлакатимизнинг барча вилоятларида "ишонч телефон"лари ишлаб турибди.

В. НИКОЛАЕВ, ЎзА мухбири.

МЕДИАТУР

«ТАБИАТГА ЯНАДА ЯҚИНРОҚ БЎЛДИК»

экологик саёҳат иштирокчилари ўз таассуротларини шундай ифодалашмоқда

Ўзбекистон ва халқаро ОАВ вакиллари Навоий вилоятидаги Айдар-Арнасой кўллар тизими билан танишиб қайтишди.

Ушбу медиатур Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, "Чинор" экологик нашриёт компанияси, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда "ЭКОСАН" халқаро ташкилоти ҳамкорлигида уюштирилди.

Экологик саёҳат давомида журналистлар Айдар-Арнасой кўллар тизими ҳавзасидаги экологик вазият ҳамда табиатни муҳофаза қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар билан атрофлича танишдилар.

Экотур доирасида журналистлар учун эълон қилинган экологик танлов ҳамда янги экологик адабиётлар такдимоти ҳам ўтказилди.

– Қизилқум чўлининг марказида экологик туризм учун яхши шароит яратилгани мен учун янгилик бўлди, – дейди медиатур қатнашчиларидан бири, "Туркистон-пресс" мухбири Саида Жонузоқова. – Боймурод қишлоғи ёнида ўтовлар тикилиб, лагер-меҳмонхона ташкил этилгани боис, Айдаркўлга хориждан ҳам меҳмонлар келаётганига гувоҳ бўлдим. Назаримда бу чора-тадбирлар нафақат одамларнинг ҳордиқ чиқариши, балки табиатга янада яқинроқ бўлишлари ҳамда экологик маданиятни юксалтиришга хизмат қилади.

Жиззах ва Навоий вилоятлари ҳудудида жойлашган Айдар-Арнасой кўллар тизими 350 километр узунликда бўлиб, энг чуқур жойи 45 метрга етади. Деярли 3500 километр квадрат майдонни эгаллаган кўллар тизими 2008 йил ноябрда халқаро Рамсар кўллар ва ботқоқ ҳавзалари рўйхатига киритилган.

Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

"Республика Кўчмас мулк биржаси" ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги № 343-сонли қарорига мувофиқ, Тошкент вилояти Қибрай тумани Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимининг 2011 йил 17 январдаги № 1-41-сонли хатига асосан, "Туркистон-Мадад-Сервис" ДУК МТПга тегишли бўлган, Қибрай тумани Май қ.ф.й., Марказий кўчаси, 1-уй манзилида сақланаётган қуйидаги техника воситалари қўйилмоқда:

1. "ЮМЗ-6Л" русумли, д/б 36-19 ЕР бўлган, 1981 йилда и/ч трактор. Бошланғич баҳоси – 4 144 000 сўм.
2. "ЮМЗ-6Л" русумли, д/б 06-53 ЕК бўлган, 1986 йилда и/ч трактор. Бошланғич баҳоси – 4 662 000 сўм.
3. "ЮМЗ-6Л" русумли, д/б 06-56 ЕК бўлган, 1986 йилда и/ч трактор. Бошланғич баҳоси – 3 626 000 сўм.
4. "Т-170" русумли, д/б 02-46 ЕК бўлган, 1991 йилда и/ч занжирли трактор. Бошланғич баҳоси – 7 652 000 сўм.
5. "Марал-125" русумли, д/б 20-44 ЕК бўлган, 1999 йилда и/ч комбайн. Бошланғич баҳоси – 24 443 000 сўм.
6. "Автогрейдер ДЗ" русумли, д/б 03-57 ЕК бўлган, и/ч номаълум автогрейдер. Бошланғич баҳоси – 7 560 000 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 1 август куни соат 10.00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги техника воситалари 2011 йил 1 августдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, ушбу техника воситаларининг такрорий аукцион савдоси 2011 йилнинг 8 ва 15 август кунлари соат 10.00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир соат олдин тўхтатилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини РКМБнинг ОЛИКБ "Ипак йўли банки"нинг Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850. Манзилимиз: Тошкент ш., Олмазор т., Қорақамиш-1 кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.rkmb.uz. Лицензия: DB 001 № 000004.

ҲУДУДИЙ СЕМИНАР

ЮТУҚЛАР ОММАЛАШТИРИЛИБ, КАМЧИЛИКЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ

Иш бошлаганига эндигина икки йил бўлаётган Янгийўл туманидаги "PLASTEKS" корхонаси 2010 йилдаёқ экспорт ҳажмини 16 миллион АҚШ долларига етказди. Ҳозир корхона маҳсулотлари Туркия, Польша, Эрон, Жанубий Корея ва Хитой мамлакатларига экспорт қилинмоқда. Корхона Швейцариядаги RIETER компаниясининг энг замонавий ускуналари билан жиҳозланган. Бу йил унинг ишлаб чиқариш қуввати 8,7 минг тонна калава ип ишлаб чиқариш даражасига етади. 2011 йилнинг ўтган даврида 8 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Йил охиригача бу кўрсаткич 25 миллион долларга етказилади, иш ўринлари эса 600 дан ошади.

Семинар иштирокчилари Янгийўл туманидаги "Миришкор Сайфиддинова Хонзода" фермер хўжалигида боғдорчилик-узумчиликка ихтисослашган интенсив боғдаги томчилатиб суғориш усули билан танишдилар. Боғга 12 минг туп пакана нав олма ва 1200 туп гилос кўчатлари экилган. Ҳосилдорликни 600-800 центнерга етказиш режалаштирилган.

Ҳудудий семинар қатнашчилари ташриф буюрган Зангиота туманидаги ASIA TRADE корхонаси фаолияти ҳам диққатга сазовор. Бу қўшма корхона импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар, жумладан, бир марта ишлатиладиган шприц ишлаб чиқаради. Бугунги кунда корхонада меҳнат қилаётган 150 кишининг 80 фоизи 25-27 ёшдаги йигит-қизлар. Қўшма корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач, ходимлар 500 кишига етади.



Шу туманнинг "Эшонгузар" маҳалласидаги ёпиқ сузиш ҳавзасининг тантанали очилиш маросими ҳудудий семинар иштирокчиларининг ташрифи пайтида ўтказилди. Сузиш ҳавзасида ҳамма шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Иккита ҳовуз, сауна, кийиниш ва ювиниш хоналари мухлислар хизматида бўлади.

Сузиш ҳавзасининг тантанали очилиш маросимида вилоят ҳокими Рустам Холматов иштирок этди.

Икки кун давом этган ҳудудий семинар вилоят ҳокимлигида ташкил этилган видеоконференция тадбири билан якунланди.

Ўз мухбиримиз.

СУРАТЛАРДА: ташриф лавҳалар.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҚАРОР ВА ИЖРО

ХАЛҚ ТАФАККУРИ ДУРДОНАЛАРИ ДОИМИЙ МУҲОФАЗАДА

Пойтахтимизда номоддий маданий меросни муҳофаза ва тарғиб қилиш ҳамда таълим жараёнига татбиқ этиш борасидаги долзарб масалаларга бағишланган республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик ҳамда ахборот маркази, Тошкент давлат маданият институти ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Б. Сайфуллаев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Ватанимизнинг ҳаққоний тарихини ўрганиш жараёнида номоддий маданий меросни муҳофазалаш, илмий жиҳатдан чуқур ўрганиш ва жаҳон миқёсида кенг намойиш этишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Бу борада амалга оширилаётган кенг кўламли илмий ва амалий ишлар натижасида халқимиз тафаккурининг ноёб дурдоналаридан бири "Алпомиш" достонининг 1000 йиллиги кенг нишонланди. Бебаҳо қадриятларимиз – Наврўз, катта ашула, шашмақом мумтоз мусиқаси ҳамда Бойсун маданий муҳити ЮНЕСКОнинг умуминсоний номоддий маданий мероси рўйхатига киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги "2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори бу жабҳадаги ишларни янада юқори босқичга олиб чиқишда муҳим дастуриламал бўлаётир.

Мамлакатимизда номоддий маданий меросимизни асраш ва тарғиб этиш борасида тегишли давлат, жамоат ва халқаро ташкилотлар, илмий-тадқиқот муассасалари ҳамкорлигида турли лойиҳалар, тадбирлар, илмий изланишлар амалга оширилмоқда. Юртимизда Наврўз умумхалқ байрами, анъанавий тарзда ўтказилаётган "Шарқ тароналари", "Асрлар садоси", халқ ўйинлари ва томоша санъати фестиваллари, бахшилар, лапар ва ўлан ижрочилари, карнай-сурнай чолғучилари танловларининг мунтазам ўтказилиши ушбу меросни асраш, кенг оммалаштиришга хизмат қилаётир.

Халқимизнинг ушбу бебаҳо меросини илмий жиҳатдан ўрганиш ҳам доимий эътиборда. Фольклоршунос, санъатшунос, манбашунос, шарқшунос, тарихчи, этнограф ва бошқа соҳалар олимларининг бу борадаги илмий фаолияти маҳсули сифатида ўнлаб илмий-оммабоп китоблар, рисолалар нашр этилмоқда.

Тадбирда номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар, бу соҳадаги халқаро тажриба, миллий қонунчилик асослари, маънавий меросимизни келгуси авлодларга етказишда фольклор архивларининг ўрни, бу борада нодавлат ташкилотлар олдида турган вазифалар, таълим жараёнида мазкур йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган ишларга бағишланган маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

Баҳор ХИДИРОВА, ЎзА мухбири.

РАҲБАР АЁЛ – ФАОЛ АЁЛ

МАҲАЛЛА ВАТАН ИЧРА ВАТАНДИР

Одамлардаги ўзаро меҳр-оқибат, ҳар бир жараёнга даҳлдорлик туйғуси аввало маҳаллада шаклланар экан, диний маърифат ва маънавий тарғибот ишлари бўйича маслаҳатчи зиммасидаги масъулият юки ниҳоятда кучлидир.

Ўзгаларга бирор нарсани ўргатиш, маслаҳат беришга эса ўзининг маънавий қиёфаси, оилавий аҳволи ибрат бўлишга арзигулик эканлигига ишонч ҳосил қилолган аёлгина ҳақлидир.

Шу маънода Ангрен шаҳридаги "Навбаҳор" маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Гулноза Исомиддиновани ҳақиқий жонкуяр, ишнинг кўзини биладиган раҳбар аёл дейиш мумкин. Оилада оқила уй бекаси, ғамхўр она сифатида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган Гулнозахоннинг маслаҳатчилик фаолияти ҳам таъкидга лойиқ. Ўз ишининг фидойиси, жонкуяр маслаҳатчининг маҳалладошлари ҳақида мароқ билан сўзлашларига қараб туриб завқландик. Зеро, иштиёқ, ҳавас бор жойда ишнинг унуми бўлиши шубҳасиз.

– Маҳалла Ватан ичра Ватандир, – дейди у. – "Маҳалланг тинч – сен тинч" дейишади-ку. Қолаверса, мустақиллик йилларида алоҳида мазмун-моҳият касб этган миллий-маънавий қадриятларимиз бешиги – маҳалла ҳаёти ҳар бир хонадоннинг яшаш шароити, маънавий оламининг ойнаси ҳамдир. Бизнинг "Навбаҳор" маҳалламиз гўзал Ангрен, мафтункор Янгиобод тоғлари этагидаги сўлим маскан. 2875 аҳолининг ярмидан кўпроғи, 1644 нафари аёллар. Вояга етмаган ёшларимиз 1020 нафар. 66 та ижтимоий ҳимояга муҳтож оиланинг 30 таси кам таъминланганлар сирасига киради. 16 нафар ёлғиз қарияларимиз бор. Кўриб турибсиз-ки, ҳеч бир йўналишдан четда эмасмиз. Демак, саъй-ҳаракатларимиз ҳам шунга яраша бўлиши керак. Маҳаллада яшовчи ҳар бир инсон эътиборда. Энг аввало, Юртбошимизнинг соғлом оилалар, баркамол ёшлар ҳақидаги ғамхўрлиги, кўрсатмалари асосида аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий ривожланган авлодни шакллантириш бўйича бир қатор тадбирлар ишлаб чиқилган. "Соғлом оилани шакллантириш – келажагимиз гарови", "Ўсмир қизлар шахсий гигиенаси", ОИТС ва ОИВ касаллиги ва унинг олдини олиш", "Соғлом она – соғлом бола" мавзуларида давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказиб борамиз. Маҳалламиздаги Янгиобод автоматика ва сервис касб-ҳунар коллежи, 41-умумтаълим мактаби жамоалари ва ўқувчилари билан ўтказаётган тадбирларимизда инсонпарварлик сиёсати, эркин фуқаролик жамияти қуришнинг устувор вазифалари, мустақиллик неъматлари, уларнинг қадрига етиш, миллий-маънавий қадриятларимиз, уларни асраб-авайлаш ҳақида сўз юритилади. Кўпни кўрган маҳалла кексалари, тиббиёт, халқ таълими соҳаси ходимлари иштирокида "Соғлом оила ва никоҳ", "Тўйларимиз ҳақида ўйларимиз", "Эрта тузилган никоҳ – пойдевори заиф бино", "Одам савдоси – аср вабоси" каби мавзулардаги давра суҳбатлари тадбир қатнашчиларига маъқул бўлмоқда. Албатта, бу каби саъй-ҳаракатлар самараси аҳолининг огоҳлиги, тиббий ва ҳуқуқий билимдонлигига боғлиқ. Мутасадди ташкилотлар, ҳуқуқ-тартибот органлари, маҳалла посбонлари, диний идора, боғча-мактаб, коллежлар, тиббиёт муассасалари билан ҳамкорликда иш олиб борамиз. Ҳозир ҳам поликлиникага кетаяпман. Ҳисобда турган ёш оналар, туғилган чақалоқлар, хонадонлардаги шароитлардан хабардор бўлиш, лозим бўлганда ёрдам бериш бизнинг вазифамиз. Бундан ташқари, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан ўтказилаётган ҳар бир тадбирда фаол иштирок этаётган маҳалладошлар, тадбиркорликни бошлаш истагидаги ёшларга бошланғич капитал маблағларини шакллантириш учун банклардан имтиёзли кредит олиш масаласида маҳалла ҳуқуқшуноси маслаҳатлар бериб бормоқда.

Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

XXI аср ва дунё

ДАКАР ОЛОВ ИЧИДА

Электр энергияси ўчириб қўйилаётганига қарши норозилик билдираётган Дакар шаҳри аҳолиси бир нечта ҳукумат биносига ўт қўйди.

AFP агентлиги тарқатган хабарга кўра, Сенегал давлат Senelec электр компанияси офисига ҳам зарар етказилди. Шаҳарликлар компаниянинг тўртта офиси ҳамда тўртта автомобилини ёқиб юбордилар. Шунингдек, Дакар чеккасидаги солиқ инспекцияси биноси ҳам яксон қилинди.

Сенегал пойтахтининг кўплаб кўчаларида тўс-тўполон излари – шиша синиқлари, ёнаётган автомобиль шиналарини кўриш мумкин. Бу вазиятни полиция маҳкамасидагилар "Бутун Дакар олов ичида" деб таърифладилар.

Электр таъминотидаги жиддий узилишлар бир неча ойдан бери давом этаяпти. Айрим туманларда электр энергияси икки кунлаб бўлмайди.

Бир ойдан буён Дакарда мамлакат президенти Абдулай Ваданинг сайлов тўғрисидаги қонунга ўзгартириш киритиш режасига қарши намойишлар давом этаяпти. Агар бу тузатиш амалга ошса, президент сайловида ғалаба қозониш учун номзод илгариги 50 ўрнига 25 фоиз овоз олса кифоя.

СОВИТИШ ТИЗИМИ ПАНД БЕРДИ

Авария ҳолатидаги "Фукусима-1" АЭСи реакторларини ўтган душанба – 27 июндан сув билан совитишга киришилди. Бироқ NHK агентлиги хабарига кўра, қувурларда тешиклар борлиги учун янги совитиш тизимини тўхтатишга тўғри келди.

Реактор хонасига сув қуйиш жараёнида АЭС ертўласида сув тўпланди. Натижада станцияда 110 минг тонна сув йиғилиб, у кенг ёйилган ёнилғи билан қўшилиб, радиоактив изотоплар билан жиддий ифлосланди.

Тарсо компаниясидагилар тешик қувурлар муаммоси яқин вақт ичида ҳал этилади, деб журналистларни ишонтирдилар. Reutersнинг маълумотларига кўра, агар совитиш тизими ишини йўлга қўйишга эришилса, энергоблоклардаги реакциялар 2012 йилнинг январига бориб тўхтатилади.

НИГОҲ

ТОЖИКИСТОН ФУКУСИМАСИ

Кейинги ойларда бутун ер юзи халқлари Японияда юз бераётган ҳодисаларни ташвиш-хавотир билан кутмоқда, десак муболаға бўлмайди. Сайёрамизнинг технологик жиҳатдан энг ривожланган мамлакатларидан бири бўлган бу кун чиқиш юрти шундай кучли табиий муаммога дуч келдики, унинг оқибат ва ечими портлашлардан вайрон бўлган АЭС энергоблоклари харобалари ва радиактив буғ остида яширин.

Инсониятнинг ҳозирги бутун куч-қудрати ва билими қутурган табиий офат қаршисида ночор қолди. Ва бу билан инсониятнинг ўзибилармонлиги, одам ва табиат ўртасидаги муносабатлардаги ўз ўрнига эгалиги ҳақидаги тасаввури алдамчи эканлиги аён бўлди. Японияда юз берган ушбу фалокат ҳаммамизни табиатга нисбатан нималар қилаётганимизга мутлақо янгича назар ташлашга ҳамда шу муносабатларимизни сифат жиҳатидан бутунлай ўзгартиришга мажбур этмоғи лозим. Зеро, бундай ҳалокатлар яна ва яна дунёнинг исталган жойида юз бериши мумкин.

Об-ҳавонинг глобаль исиши ва жаҳон океанида сув сатҳининг кўтарилиши, шу билан боғлиқ ҳолда тектоник плиталарга босимнинг ошиши бизни бундай ҳалокатли жараёнлар олдида иложсиз қолдиради. Бинобарин биз буни чуқур англаб етишимиз ва глобал технократик жараёнларни табиий талабларга мутаносиб ҳолга келтиришимиз зарурлигини тақозо этади.

Таниқли академик, Тожикистон Республикаси Фанлар академиясининг сейсмология институти фахрий директори Собит Неъматиллаевнинг тасдиқлашича, Японияда каби кучли зилзила Помир-Ҳиндиқуш тоғ тизмаларида ҳам рўй бериши мумкин. Шуниси борки, бу табиий офатнинг яқин 10 йил ичида юз бериши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. "Сейсмик фаоллик ва ой ҳамда қуёшдаги жараёнлар билан боғлиқ бундай ҳол ўтган аср бошларидаёқ рўй берган эди, – деди у ИТАР-ТАССга берган интервьюсида. – Ўшанда бугунги Тожикистон ҳудудида учта – 1907 йилда Қоратоғда, 1911 йилда Помирда вайроналиклар келтирган зилзила юз берганди ва бу Сарез кўлининг пайдо бўлишига олиб келганди. 1949 йилдаги Хаит зилзиласи ҳам юқоридагилардан қолишмади. Учта кучли зилзила 100 мингдан зиёд аҳолининг умрига зомин бўлди".

Таъкидлаш жоизки, ўша даврда бу минтақада аҳоли у қадар зич яшамасди. Агар Ўрта Осиё республикаларидаги аҳоли зичлигини солиштирсак ва Тожикистонда, айнан тектоник ёриқлар йўналишидаги Роғун ГЭСи қурилишини ҳисобга олсак, ўйланмай қўйилган бу қадамнинг оқибатлари Япониядаги ҳалокатлардан анча кучлироқ бўлиши мумкин.

Сейсмик фаоллик кучайиб бораётган ва унинг янада интенсивлашуви башорат қилинаётган ҳозирги шароитда улкан сув омбори ҳам бор Роғун ГЭСини ўта мураккаб табиий вазиятга эга жойда қуриш масаласини қандай қилиб эътиборга олмаслик мумкин? Шундай муайян шароитда сейсмотектоник салоҳият амалга ошириладиган бўлса, 9 балли ер силкинишлари амалда ҳалокатли оқибатларга олиб келиши аниқ. Айниқса, зилзила ўчоғи ернинг юзароқ қатламида жойлашган бўлса, аҳолига қандай жабр бўлишини тасаввур этиш қийин эмас. Хавфлилик жиҳатидан биринчи ранг категориясига эга Хисор-Қоқшол ёриғи Роғун ГЭСи қурилаётган жойдаги сейсмик хавфга бевосита алоқадор.

Ушбу жой геологик жиҳатдан таркибий-фациал минтақага қарайди ва жанубий-ғарбий йўналиш бўйлаб чўзилган ягона тектоник блок ҳисобланади. Бу блок шимоли-ғарб ва жануби-шарқдан тегишлича иккинчи даражали Ионахш ва Гулизинда ёриқлари, шимоли-шарқдан 2,5 километрли тўғон – Вахш чуқур ёриқ билан чекланган. Бошқача айтганда, муайян сейсмик хотиржамлик шароитида ҳам бу минтақа хавфли бўлиб, бу ерда улкан сув омбори барпо этиш ўзига ўзи гўр қазишдир.

Агар бу объектда назарий жиҳатдан юз бериши мумкин бўлган авария оқибатлари ҳақида ўйлаб кўриладиган бўлса, хулоса ҳалокатлидир. Эҳтимолдаги авария ҳолатини математик жиҳатдан таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, Роғун ГЭСи тўғонини сув уриб кетса, у Вахш дарёси бўйлаб қуйига оқиб, Нурек тўғонини вайрон этади. Сув тўлқини Вахш каскадидаги гидроузелларни бир зумда йўқ қилиб юборади. Баланд тўлқинлар йўл-йўлакай катта массивларни, аҳоли пунктлари, кўприк, каналларни сувга ғарқ қилиб, вайрон этади. Аҳолига катта моддий зарар етади. Сув остида қолиши мумкин бўлган массивда 700 дан зиёд аҳоли пунктлари бор ва бир неча миллион киши яшайди.

Тожикистон раҳбарлари ўз президентлари бошчилигида чуқур ўйлаб кўрилмаган, аниқроғи ҳудбинларча қилган ишлари учун жаҳон ҳамжамияти олдида жавоб беришга тайёрмилар? Шаҳсий энергетик ва иқтисодий муаммоларини минтақавий кўламдаги ҳалокат ҳисобига ҳал этиш мумкин эмаслигини тушунадиларми?

Японияда воқеалар шуни кўрсатдики, ўзича ҳар қанча оқилона иш тутаётган бўлмасин, бундай саъй-ҳаракатлар табиат бизга ногаҳонда иньон этадиган кутилмаган "совға"лар олдида сариқ чақачилик аҳамиятга ҳам эга бўлмай қолади.

Мирзоқурбон ПИРОВ.
www.centrasia.ru

РАКЕТА ҚЎШИНЛАРИ МАШҚ БОШЛАДИ

Reuters агентлигининг хабар беришича, Эроннинг Ислом инқилоби соқчилари корпуси 27 июндан ўн кун давом этадиган ҳарбий машқларни бошладилар.

Машқлар давомида кўплаб ракеталар учирилади. Машқлар қўмондони генерал Амир Али Ҳожизоданинг сўзларига қараганда, "Буюк пайғамбар – 6" деб аталувчи машқлар чоғида яқин, ўрта ва узоқ масофага учадиган ракеталар синаб кўрилади. Генерал таъкидладики, бу ракеталар бирор мамлакат ёки бир гуруҳ мамлакатларга қарши қаратилмаган, балки Эроннинг ҳужумларни қайтаришга тайёр эканлигини намойиш қилишга даъват этилган.

Ислом республикаси бундай машқларни биринчи марта ўтказаётгани йўқ. Илгариги шундай машқлар нафақат Форс кўрфази мамлакатлари, балки, Теҳроннинг ядро қуролини ишлаб чиқаришда гумон қилган Ғарбни ҳам ташвишга солган эди.

Ушбу ракеталар, айниқса, Исроилни безовта қилмоқда. Негаки, Эрон президенти Маҳмуд Аҳмадий Нажод бир вақтлар "Исроилни ер юзидан супуриб ташлаш керак" деган гапни айтган эди.

Эроннинг айрим ракеталари, хусусан, "Шаҳаб – 3", Исроил ҳудудига бемалол етиб боради.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

БОЛАЛАР ЁЗИ – 2011

ҲАМ ДАМ, ҲАМ ҚЎШИМЧА БИЛИМ ОЛИШАДИ

Бўстонлиқ туманидаги "Қуёшли" болалар дам олиш масканида иқтидорли ўқувчиларнинг интеллектуал-соғломлаштириш оромгоҳи иш бошлади.

Мазкур оромгоҳнинг очилишида таълим, касаба уюшмалари тизими раҳбарлари, илғор ўқитувчилар, иқтидорли ўқувчилар иштирок этди.

Оромгоҳнинг ўзига хос жиҳати шундаки, бу ерда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан жорий йилда илк марта ташкил этилган умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг билимлар беллашувида ғолиб бўлган 460 нафар ўғил-қиз босқичма-босқич соғломлаштирилади.

Умумий майдони ўн тўрт гектардан ортиқ оромгоҳ ҳудудида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, мевали ва манзарали дарахтларни, гуллар, шифобахш ўсимликларни етиштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Болаларнинг мароқли дам олиши, спорт-соғломлаштириш тадбирларида иштирок этиши билан бирга, турли фанлар бўйича ўқув-машғулотларида қўшимча билим олиши учун зарур барча шароит ва имкониятлар яратилган. Оромгоҳга билимлар беллашуви ғолиблари билан уларнинг ўқитувчилари ҳам жалб этилгани иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш, илғор педагогик технологиялар, ўқитиш услубларини оммалаштириш имконини бермоқда.

Бу ерда китоблар, ўқув адабиётлари, электрон қўлланмалар захирасига эга бой кутубхона, маънавият ва компьютер хоналари, хореография ва мусиқа ижрочилиги заллари, сузиш ҳавзалари, теннис, волейбол, футбол бўйича майдончалар дам олувчилар ихтиёрида.

Олимлар, ёзувчи ва шоирлар, илғор педагоглар иштирокида ўтказилаётган маҳорат сабоқлари, ўқув машғулотлари ва учрашувлар болаларнинг турли фанлар бўйича билимини янада бойитишда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган қизиқарли тадбирлар, учрашув ва суҳбатларда истиқлол йилларида жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларида эришилган улкан натижалар, ёш авлод камолоти йўлида кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик болалар онгу шуурига содда ва самимий, таъсирчан тарзда етказилади.

ЎзА.

ЯХШИ ҲОРДИҚ БИЛАККА КУЧ

Юртимизда болаларнинг ёзги дам олишини юксак савияда ташкил этиш, таътил кунларини мароқли ўтказиши учун шароит яратиш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси томонидан ҳам кўп болали, кам таъминланган оилалар фарзандлари, ногирон ҳамда махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчиларини мароқли дам олдириш ва соғломлаштириш мақсадида қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Мазкур жамғарма томонидан Бўстонлиқ туманида ташкил этилган "Оқтош" ёзги оромгоҳининг очилишида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлодни соғлом ва баркамол вояга етказиш, уларга пухта таълим-тарбия бериш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилангани алоҳида таъкидланди. Ёзги таътил мавсумида болаларни соғломлаштириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар бу жараёнда муҳим ўрин тутади.

Оромгоҳда 200 нафарга яқин кам таъминланган оила фарзандларининг мароқли дам олиши учун барча зарур шароит яратилган. Ўғил-қизларнинг мазмунли дам олиши учун маънавий-маърифий, маданий тадбирлар, спорт мусобақалари, турли тўгараклар ҳамда интеллектуал ўйинлар ташкил этилади. Болалар малакали шифокорлар томонидан тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларнинг саломатлиги мунтазам назорат қилиб борилади.

Г. САТТОРОВА,
ЎзА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 4 июлдаги "Хусусий операторлар фаолиятини ташкил этиш ва электр энергияси учун ўз вақтида ҳақ тўлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 186-сонли қарори ижросини таъминлаш юзасидан

«TOSHKENT ELEKTR TARMOQLARI» ОАЖ ТАНЛОВДА ҚАТНАШИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Танлов номи – Паркент тумани истеъмолчиларидан электр энергияси тўловларини йиғиш вазифасини бажарувчи хусусий операторни ташкил этиш учун инвестор танлови.

Танлов ўтказилишининг асосий шартлари: танлов очиқ турда ўтказилади. Унда хусусий операторларни ташкил этиш ва ушбу операторларга юклатиладиган вазифалар ҳамда мажбуриятларга мувофиқ, унинг фаолиятини ташкил этиш учун техник ва молиявий имкониятга эга бўлган юридик шахслар – Ўзбекистон Республикаси резидентлари ёки норезидентлари иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади.

Хусусий оператор фаолият юритиш учун таклиф этилаётган ҳудуд: Тошкент вилояти, Паркент тумани, Паркент туман электр таъминоти корхонаси.

Танлов ташкилотчиси – "Toshkent elektr tarmoqlari" ОАЖ.

Инвесторларга қўйиладиган асосий талаблар:

– инвестор томонидан хусусий операторнинг фаолият юритадиган ҳудудида электр энергияси учун пул маблағлари ўтказиш бўйича мажбуриятлар унинг томонидан танлов эълон қилинган пайтда амал қиладиган тарифлар бўйича фаолият ҳудудида берилган электр энергияси ўртача ойлик ҳажмининг уч баробар қийматига тенг бўлган сумма доирасида бажарилиши юзасидан банк кафолати;

– танлов ҳужжатларида белгиланган шартларга мувофиқ, электр энергияси истеъмолчиларига зарур бўлган даражада хизмат кўрсатилишини таъминлаш.

Дастлабки малакавий танлов ўтказиш жойи ва муддати: Тошкент шаҳри, Осиё (Муртазоев) кўчаси, 42. Малакавий танлов эълон ОАВда чоп этилган кундан бошлаб ариза бериш муддати тугагунга қадар давом этади.

Ариза беришнинг сўнгги муддати:
– 2011 йил 29 июль соат 17.00 гача.

Танлов ўтказиш муддати – 2011 йил 1 август соат 10.00 да.

Дастлабки малакавий танловдан ўтиш учун инвесторлар танлов ташкилотчисига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

– Монополиядан чиқариш, рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармаси томонидан берилган инвестор банкротлик босқичида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;

– давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг инвестор қайта тузилиши ёки тугатилиш босқичида эмаслигини тасдиқловчи маълумотномаси;

– давлат рўйхатидан ўтказувчи тегишли орган томонидан берилган, инвестор юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси, низоми ва таъсис ҳужжатлари;

– инвесторнинг бюджет ва бюджетдан ташқари фондлардан қарзи йўқлиги ҳақидаги ДСИ маълумотномасининг асл нусхаси ҳамда ваколатли банк томонидан бериладиган инвесторнинг эълон чоп этилиш пайтидан бошлаб асосий ҳамда иккиламчи ҳисоб рақамлари, (К-2) бўйича қарзи йўқлиги тўғрисида маълумотнома;

– инвестор "Ўзбекэнерго" ДАК ва/ёки унинг корхоналари билан суд ва арбитраж жараёнлари ҳолатларида эмаслиги тўғрисида "Ўзбекэнерго" ДАК маълумотномаси;

– инвестор истеъмол қилинган электр энергияси учун қарзи йўқлиги тўғрисида ҳудудий электр тармоқлари маълумотномаси.

Қуйидаги инвесторлар танловда қатнашишга қўйилмайди:

– танлов ҳужжатларига мувофиқ, барча зарур бўлган ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган;

– тугатилиш ёки банкротлик босқичида бўлган;

– танлов эълон қилингунга қадар бир йилдан кам муддат ичида таъсис этилган;

– "Ўзбекэнерго" ДАК ва/ёки унинг корхоналари билан суд муҳокамасида бўлган.

Танлов ҳужжатларини олиш жойи ва шартлари, танлов ҳужжатлари учун тўлов, шунингдек, гаров суммаси миқдори ва уни тўлаш тартиби.

Танлов ҳужжатларини олиш истагидаги инвесторлар танлов бўйича олинадиган маҳфий ахборотни ошкор қилмаслик тўғрисида шартнома имзолайдилар ва "Toshkent elektr tarmoqlari" ОАЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига танлов суммасини ўтказадилар: 20210000500124958119, Қибрай СҚБ, МФО 00884, ИНН 201221748, ОКОНХ 11170.

Танловда иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан қуйидаги манзилга мурожаат этиш лозим: Тошкент шаҳри, Осиё (Муртазоев) кўчаси, 42, "Toshkent elektr tarmoqlari" ОАЖ. Мурожаат учун телефон: 236-91-01.

Танлов ҳужжатлари пакетини юқорида кўрсатилган манзилдан қайтариб берилмайдиган энг кам иш ҳақининг ўн баробари миқдорида сумма ўтказилганидан сўнг олиш мумкин.

Танлов таклифлари энг кам иш ҳақининг минг баробари миқдорида бўлган гаров суммаси билан кафолатланган бўлиши лозим.

Танлов ҳужжатлари пакети учун учинчи шахслар тўловни амалга оширишлари тақиқланади.

Маълумот олиш учун иштирокчилар танлов ташкилотчисига танлов таклифларини қабул қилиш муддати тугагунга қадар ҳар куни маҳаллий вақт билан (шанба ва якшанбадан ташқари) соат 10.00 дан 17.00 гача мурожаат этишлари мумкин.

«TOSHKENT ELEKTR TARMOQLARI» ОАЖ.

Ўзбекистон Миллий Университети қошидаги Зангиота академик лицейи қуйидаги фан ўқитувчилари вакант лавозимларига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси.
2. Математика фани ўқитувчиси.
3. Химия фани ўқитувчиси.
4. Физика фани ўқитувчиси.
5. Биология фани ўқитувчиси.
6. Тарих фани ўқитувчиси.
7. Жисмоний тарбия фани ўқитувчиси.
8. ЁЧТ фани ўқитувчиси.
9. Инглиз тили фани ўқитувчиси.
10. Рус тили фани ўқитувчиси.
11. Немис тили фани ўқитувчиси.
12. Француз тили фани ўқитувчиси.
13. Информатика фани ўқитувчиси.

Номзодлар танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим:

– сўровнома (кадрларни ҳисобга олиш варақаси) ва таржимаи ҳол

– маълумоти ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхаси

– илмий даража ва илмий унвонлари ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхаси (мавжуд бўлса)

– илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса)

– 3х4 ўлчамдаги 4 дона фотосурат

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида академик лицейнинг ходимлар бўлимида қабул қилинади.

Манзилимиз: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Қатортол Қ.Ф.Й., «Токзор» маҳалласи. Телефонлар: 370-13-13, 987-45-26.

Ҳамза тумани ТСРЎИ томонидан 2007 йил 19 апрелда 001374-07 реестр рақами билан рўйхатга олинган Ҳамза тумани, Қурувчилар кўчаси, 29-уйда жойлашган "IKKINCHI TEMIR BETON SERVIS" (ИНН 300418404) масъулияти чекланган жамияти **ТУГАТИЛАДИ.**

Жамият давлат рўйхатидан ўтган кундан шу кунгача фаолият юритмаган.

Ўзини-ўзи тугатиш тўғрисидаги 28.06.2011 йилдаги 1-сонли қарор.

Кредитор ва дебиторлар даъволари 2 ой мобайнида 339-93-00 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

ООО "MISS ELNORA" (ИНН 23591185, ОКПО 301939482) объявляет об уменьшении уставного фонда с 109 414 000 сумов до 64 414 000 сумов. Претензии принимаются по тел.: 344-12-50.

"AGATA-TEX" масъулияти чекланган жамиятининг думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО "SMART NET", находящиеся по адресу: Чиланзарский район, пр-т Бунедкор, 52-а объявляет об уменьшении уставного фонда с 20 000 000 сумов до 17 786 219,05 сумов.

"BARAKA DON SAVDO" (ИНН 206989025) масъулияти чекланган жамияти устав фондини 400 000 000 сўмдан 366 000 000 сўмга камайтираётганлигини маълум қилади.

Тошкент вилояти Зангиота тумани ҳокимлиги томонидан рўйхатга олинган "MOTOR-GAZTEX-SERVIS" хусусий корхонасининг устав фонди 133 032 706 сўмдан 7 471 181 сўмга камайтирилганлигини маълум қилади. Тел.: (+99897) 747-90-90.

Олмазор тумани ҳокимияти томонидан рўйхатга олинган "ELITE STAMP" МЧЖ устав жамғармаси 32 800 000 сўмдан 13 635 840 сўмга камайишини маълум қилади.

Учтепа туманида рўйхатга олинган "OLIMJON TRANS SERVIS" (ИНН 300814949) МЧЖнинг устав фонди 169 952 160 сўмдан 2 500 000 сўмга камаяётганлигини маълум қилади. Тел.: 155-16-78.

Сўраган экансиз

ЛИЗИНГ ШАРТНОМАСИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

«Лизинг шартномасини тузиш ҳамда унинг тўловлари тартиби ҳақида батафсил маълумот берсангиз».

Толиб ҲУСАНОВ, Бекобод тумани.

Лизинг шартномаси бўйича лизинг берувчи (ижарага берувчи) бир тараф лизинг олувчи (ижарага олувчи) иккинчи тарафнинг топшириғига биноан сотувчи учинчи тараф билан ундан лизинг олувчи учун мол-мулк харид қилиш ҳақида келишиш мажбуриятини олади. Лизинг олувчи эса бунинг учун лизинг берувчига лизинг тўловларини тўлаш мажбуриятини олади.

Истеъмол қилинмайдиган, тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган ҳар қандай ашёлар лизинг объекти бўлиши мумкин. Ер участкалари ва бошқа табиат объектлари бунга кирмайди.

Лизинг тўлови лизинг берувчининг лизинг объектини сотиб олиш учун қилган харажатларининг ҳаммаси ёки кўп қисми, шунингдек, лизинг объектини етказиб бериш ва белгиланган мақсадда фойдаланиш учун уни яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ бошқа харажатлари лизинг олувчи томонидан қопланиши ҳамда лизинг берувчининг даромадидан иборат бўлади.

Лизинг берувчи лизинг олувчи учун мол-мулк сотиб олаётганида мол-мулк муайян шахсга лизингга беришга мўлжалланганлигини сотувчига билдириши шарт.

Билиб қўйган яхши

● Лизинг бўйича ижарага олинган мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан бузилиши хавфи, агар лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, лизинг олувчига бу мол-мулкни топшириш пайтида ўтади.

● Лизинг берувчи лизинг объектини лизинг олувчига шартнома шартларига жавоб берадиган ҳолатда ва унда келишилган муддатда топшириши шарт.

● Агар лизинг берувчининг айбли ҳаракатлари ёки йўл қўйган камчиликлари туфайли мол-мулк етказиб берилмаган, тўлиқ етказиб берилмаган, муддати кечиктириб етказиб берилган ёки тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулк етказиб берилган бўлса, бунинг учун у лизинг олувчи олдида жавобгардир.

● Мол-мулк етказиб берилмаган, тўлиқ етказиб берилмаган, муддати кечиктириб етказиб яхши ёки унинг сифати тегишли бўлмаган тақдирда, агар шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, лизинг олувчи лизинг тўловларини тўхтатиб туриши ва етказиб берилаётган мол-мулкни рад этиш ва лизинг шартномасини бекор қилишни талаб қилишга ҳақлидир.

Қўшимча лизинг

Лизинг олувчи лизинг берувчи олдида шартнома юзасидан жавобгар бўлиб қолгани ҳолда, лизинг шартномаси бўйича олган мол-мулкни лизинг берувчининг розилиги билан қўшимча лизингга топшириш ҳақлидир.

Ҳуқуқшунос Барно КАМОЛОВА жавоб берди.

МЕРОС ТАЙИНЛАШ ҚАНДАЙ РАСМИЙЛАШТИРИЛАДИ?

«Мерос тайинлаш қандай расмийлаштирилади ва кимлар меросхўр бўла олади?»

Миразим МИРТИЛЛАЕВ, Ангрен шаҳри.

Мерос фуқаронинг ўлими ёки унинг суд томонидан вафот этган деб эълон қилиниши оқибатида очилади. Мерос қолдирувчининг вафот этган куни, у вафот этган деб эълон қилинганда эса агар суднинг қарорида бошқа муддат кўрсатилган бўлмаса, вафот этган деб эълон қилиш тўғрисидаги суднинг қарори кучга кирган палла деб ҳисобланади. Агар биттасидан кейин бошқаси мерос олишга ҳақли бўлган шахслар йигирма тўрт соат ичида вафот этган бўлсалар, улар бир вақтда вафот этган, деб ҳисобланадилар. Мерос уларнинг ҳар биридан кейин очилади ва улардан ҳар бирининг меросхўрлари ворисликка чақириладилар.

Мерос қолдирувчининг охирги яшаб турган жойи мероснинг очилиш жойи ҳисобланади. Агар мерос қолдирувчининг охирги яшаб турган жойи номаълум бўлса, мерос қолдирувчига тегишли бўлган кўчмас мулк ёки унинг асосий қисми турган жой кўчмас мулк бўлмаган тақдирда эса, кўчар мулкнинг асосий қисми турган жой мерос очилган жой деб ҳисобланади.

Мерос қолдирувчини ёки эҳтимол тутилган меросхўрлардан бирортасини қасддан ўлдирган ёки уларнинг ҳаётига суиқасд қилган шахслар васият бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам мерос олиш ҳуқуқига эга бўлмайдилар. Васият қилувчи ўз ҳаётига суиқасд қилинганидан кейин васиятнома берган шахслар бундан мустаснодир.

Мерос қолдирувчи ўзининг охирги хоҳиш-иродасини амалга оширишга қасддан тўсқинлик қилган ва шу орқали ўзларининг ёки ўзларига яқин шахсларнинг ворисликка чақирилишига ёки мероснинг ўзларига яқин шахсларга тегишли улуши кўпайтирилишига имкон яратган шахслар васиятнома бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам мерос олиш ҳуқуқига эга бўлмайдилар.

Болаларига нисбатан ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум этилган ва мерос очилган пайтда бу ҳуқуқлари тикланмаган ота-оналар болалардан қолган мулкка ворис бўлиш ҳуқуқига эга эмаслар. Мерос қолдирувчига таъминлаб туриш юзасидан қонунга кўра зиммаларига юклатилган мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаган ота-оналар (фарзандликка олувчилар) ва вояга етган болалар (фарзандликка олинганлар) қонун бўйича ворислик қилиш ҳуқуқига эга бўлмайдилар.

Нолойиқ меросхўрларни ворисликдан четлатиш учун асос бўладиган ҳолатлар бундай четлатиш келтириб чиқарадиган ворислик билан боғлиқ мулкий оқибатларга дахлдор шахснинг даъвоси бўйича суд томонидан белгиланади.

Азиза ОМОНОВА, Сергели туман 1-давлат нотариал идораси катта нотариуси.

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

ЙЎЛЛАНМА БЕРИШ ИМКОНИ БЎЛМАДИ

Бекобод шаҳар Боғишамол кўчаси 36-уйда яшовчи Ш. Абдураҳимовадан таҳририятга келган мактубда у 2008 йилдан буён "Ўзметкомбинат" очиқ акциядорлик жамиятига ишга кирувчилар рўйхатида турганлиги, аммо орадан шунча вақт ўтиб ҳам ишга жойлаша олмаётгани баён этилганди. Таҳририят ушбу мактуб юзасидан Бекобод шаҳар ҳокими ўринбосари Т. Султонов имзоси билан жавоб хати олди.

Унда жумладан, қуйидагича изоҳ берилган. "Ўзметкомбинат" маъмуриятининг 2011 йил 23 июнда шаҳар ҳокимиятига йўллаган хатида айтилишича, корхонадаги бўш иш ўринларига фуқаролар мутахассислигига (маълумоти бўйича мутахассислиги, меҳнат стажи, касбий билимига) қараб ҳамда цехларнинг талабномаларига мувофиқ ишга олинади. Комбинат жуда муҳим корхоналар тоифасига мансуб эканлиги, иш турлари ўзига хос хусусиятга эга бўлгани ҳамда кадрлар қўнимсизлиги пастлиги (1,9 фоиз) сабабли ишга қабул қилиш масаласида чекловлар мавжуд.

Шаҳар аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва бандликка кўмаклашувчи марказида Ш. Абдураҳимовага мавжуд бўш иш ўринларидан ҳоҳлаганини танлаш тавсия этилди. Бироқ у фақат "Ўзметкомбинат" очиқ акциядорлик жамиятида ишлаш ниятида эканлигини маълум қилиб, тавсия этилган бўш иш ўринларини рад қилди. Ш. Абдураҳимова ўрта мактабда ўқишни тамомлаганидан сўнг ҳеч қаерда ўқимаган, яъни мутахассислиги йўқ. "Ўзметкомбинат"-даги бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотда эса, фақат олий маълумотли мутахассисларга талаб борлиги боис Ш. Абдураҳимовага ишга йўлланма бериш имкони бўлмади.

Фуқаро Ш. Абдураҳимованинг оилавий шароити оғирлиги инобатга олиниб, унинг опаси Малоҳат Абдураҳимова комбинатнинг темир йўл цехига ҳаммом хизматчиси вазифасига ишга олинган.

Утерянную круглую печать "ELNOZA-LUX-SAVDO" Юнусабадского района (ИНН 301018007),
СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

ООО "CONTROL TECHNICAL SERVICE", зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района г. Ташкента (ИНН 301710484), расположенное по адресу: г. Ташкент, ул. Мукимий, 142/1, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (решение учредителей № 1 от 28.06.2011г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ҳокимияти томонидан 2011 йил 14 февралдаги № 004903-09 реестр рақами билан рўйхатга олинган "SAID-UMAR BARAKA" (ИНН 301843209, ОКОНХ 71300) хусусий корхонаси
ТУГАТИЛАДИ.

Даъво ва аризалар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида 931-21-52 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

ФУТБОЛ

Мексикада 17 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида давом этаётган футбол бўйича жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси ўз гуруҳида биринчи ўринни эгаллаб, плей-оффга йўлланма олди.

ЎЗБЕКИСТОН ФУТБОЛЧИЛАРИ – НИМЧОРАК ФИНАЛДА

Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасининг жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритгани ва Мексика майдонларида муваффақиятли тўп сураётгани мустақиллик шарофати, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда спортни, жумладан, футболни ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор самарасидир. Истеъдодли ёш футболчилар ишончли ва чиройли ўйинлари билан Ватанимиз довруғини дунёга янада кенгроқ ёймоқда, халқимизнинг юксак салоҳиятини намоён этмоқда.

"D" гуруҳи учрашувларини Торреон шаҳрида ўтказаётган футболчиларимиз дастлабки учрашувда Янги Зеландия вакилларидан мағлубиятга учраган эди. Лекин Алексей Евстафеев шогирдлари иккинчи турда жаҳон чемпионатида энг кучли терма жамоалардан бири, деб эътироф этилган АҚШ футболчиларини 2:1 ҳисобида доғда қолдириб, биринчи ўйиндаги мағлубият тасодиф эканини исботлади. Гуруҳдаги учинчи учрашувида Европа вакили – Чехия ўсмирлар терма жамоасига қарши майдонга тушган ҳамюртларимиз юртимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган ва кам бўлмайдиган баркамол авлод вояга етаётганини яна бир бор намоён этди.

Ўзбекистонлик футболчиларнинг плей-оффга йўлланма олиши учун чехияликларга қарши учрашувда дуранг натижа ҳам етарли эди. Лекин ўсмирларимиз шу куни фақат ғалаба учун тўп сурди. Ҳисоб чехияликлар томонидан очилди. Биринчи бўлим ўрталарида рақиб жамоа футболчиси тепган тўп жарима майдончаси ичида ҳимоячимиз Сардор Раҳмоновнинг қўлига тегди. Ҳакам томонидан белгиланган пенальтини Лукаш Юлис аниқ баҳо қилаётган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси ўз гуруҳида биринчи ўринни эгаллаб, плей-оффга йўлланма олди. Натижада танаффусга бир дақиқа қолганида ислатеъдодли ҳужумчи Темур Ҳакимов ҳисобни тенглаштирди.

Шу куни терма жамоамизнинг барча футболчилари ишончли ўйин кўрсатди. Жамоа сардори Аббос Махситалиев, ҳужумчи Темур Ҳакимов, ярим ҳимоячи Азизбек Муродов ва ҳимоячи Жавлон Мирабдуллаевнинг ўйини мухлису мутахассисларга айниқса манзур бўлди. Футболчиларимиз бутун учрашув давомида тўпни ўзида ушлаб туриш, аниқ узатиш, мустаҳкам ҳимояланиш, тезкор ҳужум уюштиришга ҳаракат қилди. Ниҳоят, ўйиндаги устунлик 73-дақиқада ўз самарасини берди. Аббос Махситалиев жамоадоши Давлат Ёрбеков оширган тўпни чехияликлар дарвозасига аниқ жойлаб, ғалабани таъминлади – 2:1.

Гуруҳдаги иккинчи учрашув – Янги Зеландия ва АҚШ ўйинида ҳисоб очилмади.

"D" гуруҳида олти очко жамғарган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Тўрттадан очкога эга бўлган янги зеландиялик ва америкалик футболчилар ҳам мусобақани давом эттирадиган бўлди. Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси ўз гуруҳи ғолиби сифатида кейинги учрашувни ҳам Торреон шаҳрида ўтказади. Ҳамюртларимиз 29 июнь куни "F" гуруҳида учинчи ўринни эгаллаган австралиялик чарм тўп усталари билан куч синашади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА шарҳловчиси.

СУРАТКАШ ҲАЗИЛИ

Зангиота (аввалги Тошкент) туманидаги 56 (9)-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2006 йил 20 июнда Ганиев Тимур Рафаэлович номига берилган O`z-SH № 0264529 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан 16.06.2009 йилда 01-05665 гувоҳнома рақами билан рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркор Садиков Олимжон Азадбековичга тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Бўстонлиқ туманидаги 11-ўрта мактаб томонидан 1998-1999 ўқув йилида Эрматов Рафиқ Баходирович номига берилган O`R-A № 630894 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

"ABDULLA SERVIS" хусусий корхонасининг устав фонди 2 018 523 сўмдан 10 (ўн) минг сўмга каматирилади.

Утерянный диплом Я № 000337 (рег. № 320), выданный в 1974 году Ташкентским областным педагогическим институтом на имя Шамиловой Лилии,
СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Қибрай тумани ҳокимининг 2008 йил 27 майдаги 653-сонли қарори билан давлат рўйхатига олинган "QIBRAY MATLUBOTINVEST" давлат унитар корхонаси (ИНН 206962946) номини "QIBRAY HAMKOR SAVDO" давлат унитар корхонасига ўзгартирганлигини маълум қилади.

"QIBRAY HAMKOR SAVDO" давлат унитар корхонаси "QIBRAY MATLUBOTINVEST" ДУКнинг барча турдаги мажбуриятлари юзасидан ҳуқуқий ворриси ҳисобланади.

Мурожаат учун манзил: Қибрай тумани, Қибрай шаҳарчаси, Зебунисо кўчаси, 21-А уй. Тел. 95-61-181.

Олмазор туманида рўйхатга олинган "PLAYING CINEMA" хусусий корхонасининг бурчак тамғаси ва думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утерянный контракт № МО 011 от 26.03.2009 г., принадлежащий ООО "SILVER EAGLE" Юкоричирчикского района Ташкентской области,
СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Объявление, опубликованное 20 апреля 2011 года в газете "Тошкент ҳақиқати" о ликвидации ЧП "SARBON BEQASAM" (ИНН 206531058) Чиланзарского района,
СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

БАХШИ ВА ОҚИНЛАР ТАНЛОВИ

Паркент туманидаги "Қўшчинор" маданият ва истироҳат боғида 29-30 июнь кунлари бахши-шоирлар ва оқинларнинг анъанавий танловининг республика босқичи бўлиб ўтади. Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик ҳамда ахборот марказида танловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлди.

Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Маҳалла" хайрия жамғармаси, "Олтин мерос" халқаро жамғармаси, Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳамда Паркент туман ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган танловда 54 нафар бахши, шоир ва оқинлар иштирок этади.

Танловда иштирок этган бахши-шоир ва оқинлар ўзбек ва қорақалпоқ халқининг миллий ижод намуналари: "Алпомиш", "Гўрўғли", "Авазхон", "Ошиқ ғариб ва Шоҳсанам", "Тоҳир ва Зуҳра" каби достонларни тўлиқ, қисман ҳамда ўзлари яратган янги вариантда ижро этишади.

Иштирокчиларнинг ижодий ишларини Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти, Ўзбекистон Давлат консерваторияси профессор-ўқитувчилари, Ўзбекистон халқ шоири Азим Суюн, Ўзбекистон халқ бахшиси Шобери Болтаевлар баҳолаб боришади.

Мустақилликнинг 20 йиллиги муносабати билан ўтказилаётган танлов Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда фаолият юритаётган бахши-шоир, оқинлар, жировлар ва халфаларнинг ижодий ишларини кенг оммага танитиш, уларнинг санъатга бўлган иштиёқини қўллаб-қувватлаш, қизиқишларини янада такомиллаштиришга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Азима ҚИЁСОВА, "Туркистон-пресс".

ҲАЁТ СИНОВЛАРИ

ЎЗОҚДАГИ БУҒДОЙ...

Фарҳод билан Ботир ёшликдан бирга ўсиб-улғайишди. Мактабни битиргач, қурилиш ташкилотида ишлашди. Ойлик маош, ўнча-мунча хусусий ишлар ҳам чиқиб туради.

Кунларнинг бирида икки дўст у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришган эди, нариги маҳаллалик Мирзакарим келиб қолди. Бу одам йигитлардан 5-6 ёш катта, ҳалигача уйланмаган, тайинли иши йўқ, лекин ўзини ишбилармон бойваччалардек тутарди. Россия ва Қозоғистоннинг ҳамма шаҳарларига борганлиги билан мақтаниб юради.

– Ҳа, йигитнинг гуллари. Нима қилиб ўтирибсанлар, қўйларингни мингта қилиб? – деди у машҳур Афанди латифаларига ишора қилиб. – Ҳалиям қурилишда ғишт санаб, андава тортиб юрибсанларми?

– Ўзингиздан сўрасак, – дейишди йигитлар унинг башанг либосларига, қимматбаҳо телефони ва яп-янги "Матиз"ига ҳавас билан қараб. – Жа-а, кучайиб кетибсизми, ака?

– Истасаларинг сенлар ҳам шундай кучайишларинг мумкин.

– Қандай қилиб? – сўради йигитлар бараварига.

– Шу кунларда Қозоғистонда ишлаб келиш учун одам йиғаяпман. У ёқдаги оғайнилар как-раз қурилишда ишлаш учун сенларга ўхшаган йигитлардан сўрашган. Фақат у ёқдаги ойлик сенларникидан 3 баробар кўп. Ойига 1 миллион сўм топиш мумкин. Бундан ташқари текин овқат, текин жой.

Буни эшитиб икки оғайни шошиб қолишди:

– Бизни ҳам олиб боринг? Қачон кетилади?

– Яна 5-6 одам топсам гурух тўлади. Жўнатиш мумкин.

Мирзакарим кетгач, икки ўртоқнинг ростакамига "қўйлари мингга етди". Анча вақтгача 5-6 ой ишлаб келиб, бири уйланиш, бири машина олиш ҳақида режалар тузиб ўтиришди.

Ботир уйдагиларини осонгина кўндирди. Лекин Фарҳоднинг онаси "Бормайсан" деб туриб олди. Ҳатто, тоғасини ҳам чақириб келди. (Фарҳоднинг дадаси ёшлигида вафот этган).

– Жиян, узоқдаги буғдойдан яқиндаги сомон яхши дейдилар. Узоқнинг катта пулидан кўра, шу ерда олаётган маошинг яхши эмасми?

– Унча-мунча йиққаним бор, тоға. У ерда ишлаб келсам... Аям "уйланасан" деб қўймаяпти...

– Жиян, ҳозир кетиб, 6 ойдан кейин келсанг, куз бўлади. Ўша йиққан пулингга 3-4 бош бузоқ олиб боқкин, ишдан сўнг фермерлик еримиздан ўт ўриб келасан, оз-оздан ем берасан. 4 ой шундай боқсанг, анча ўсиб, катта бўлиб қолади. Икки ой яхшилаб емласанг ўша Қозоғистондагидан кўп пул бўлади. Онанг ҳам ёлғиз қолмайди.

Хуллас, Ботирнинг ўзи кетадиган бўлди. Фарҳод тоғасининг қистови билан жамғармасига 4 та новвосча сотиб олиб, боқа бошлади. Лекин хаёли дўстида. Худди у кузда қўйни-қўнжини тўлдириб кириб келади-ю, бу шумшайиб қоладигандек. Ботирнинг телефони доим ўчирилган, ҳар замонда ўзи телефон қилиб, қисқагина гаплашиб, яна ўчириб қўяди.

Шу тариқа ёз ўтди. Фарҳоднинг новвослари ўсиб, ялтираб қолди. Тоғасининг маслаҳати билан кўк ўт беришни тўхтатиб, емга қўйди. Фарҳоднинг онаси ўзи орзу қилган қизга совчиликка бориб, оқ ўраб келди.

Икки ойдан сўнг Фарҳод тоғаси ёрдамида баликдай семирган новвосларини бирин-кетин сотди. Тўйга керакли пулни ажратиб қўйиб, қолганига яна 3 бош қорамол олди.

Бу орада Ботир ҳам келди. Озиб, букчайиб қолган, кўзлари ичига ботиб кетган ўртоғини кўриб, Фарҳод дафъатан танимади.

– Бормай яхши қилган экансан, – деди Ботир дўстининг "Сенга нима бўлди?" деган саволига жавобан. – Мирзакарим бизни алдади. Чегарадан ўтишимизда паспортларимизни йиғиб олиб, Элбек деган кишининг қўлига топширди-ю, ўзи йўқ бўлиб қолди. У айтган овқат ҳам, жой ҳам йўқ экан. Фақат бўлка нон билан совуқ сув беришди. Катта идишларда бўёқ тайёрлаб, банкаларга қуйдик. Ацетон, суюлтиргич сингари кимёвий суюқликлар билан 16 соатлаб ишлаш натижасида нафасим қисиладиган бўлиб қолди. Бор-е, деб кетворай дегандим, анави ноинсоф Мирзакарим бизни ўша Элбекка сотиб кетган экан. Элбек ҳар биринг учун минг доллардан тўлаганман, ўшани ишлаб бермагунингча кетмайсанлар, деб жавоб бермади. Бир амаллаб 650 минг сўм пул ишладим, 200 минг ёнимда, 450 мингни шеригим олиб келади...

...Орадан бир ой ўтди. Куёвлик сарпосидаги Фарҳод ўртоқлари орасидан Ботирни изларди.

– Сарполарингг муборак бўлсин, болам, – деган овоздан ўзига келди. Қараса Ботирнинг онаси.

– Оғайним қани, хола?

– Оғайнингни астмаси кучайиб, касалхонага ётиб қолди, болам, – деди йиғламсираб она. – Тўйларингда хизмат қилиш, ёнингда куёвнавкар бўлиб бориш насиб этмади дўстингга... Худоё ўша Мирзакаримнинг уйи куйсин. Ўзини ҳам прокурорга ёзиб бердим. Бир жазосини олсин...

Мамлакат ФАЙЗИЕВА.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Юлдузхон МУҲИДДИНОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-640. Адади 12320. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.30. 1234